

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 195 (6. 386)

1987 йил 28 август, жума

Баҳоси 3 тийин

Замондошимиз



Эл хизматида

Республикамиздаги пахтазорларда, боғларда, тоқзорларда, шаҳарлардаги боғларда ҳам унинг меҳнат маҳсули бўлган агрегатлари учратиш мумкин. Бу агрегатларда дархатлар, ўсимликлар, турли хил меваларга ишлов берилади. Қишлоқ ҳўжалик зараркундаларини тугатишда бу агрегатларнинг хизмати жуда катта. Уларнинг хили кўп. Ана шу агрегатларнинг ҳар бирини Семён Альфёрович таъбирлашга ҳисса қўшган.

Уни «Ташхиссельмаш» заводда энг тажрибали, ишни миридан-сиригача биладиган уста сифатида танишадим. Аслида ҳам шундай. Семёнининг қорхонада меҳнат қилаётганига 26 йил бўлди. Бу давр ичда юзлаб хил агрегатлар, ускуналар, мосламалар таъйёрланди. Унинг тажрибаси ҳам тақомиллашиб борди. Шу бонс қарда тизилган пайдо бўлса, ўша ерга тақлиф қилинган. Тошкентлик тез ва соз бажарганидан сўнг албатта миннатдорчилик бидиришди.

Уни кўп миллатли интернационал оқилнинг жонқур аъзоси сифатида ҳам ҳурмат қилишди. Бахтли тасодиф туфайли у Тошкентга келиб қолган. Ўша 1961 йилда тошкентлик эки Ксена Литвага ҳордик чиқаргани борган эди. Шу ерда Семён билан танишиб, турмуш қуришга аҳд қилишди. Кейин Тошкентга кўчи

келишди. Ҳозир уларнинг икки қизи бор. Семён турмушдан хурсанд. Тўқинчилик, ҳам-на марса бисёр.

— Ҳозир ҳамма жойда бўлганидек, бизнинг қорхонамизда ҳам тартиб-интизом юксак даражада ўрнатилмоқда. Ҳар бир ишчининг ўзига топширилган вазифа учун масъулияти ошмоқда. Худди шу нарса умумий кўрсаткичларни яхшилаш билан бирга, фақат юқори сифатли маҳсулотлар таъйёрлашга замин бўлади. Айни пайтда ишлаб чиқариш чиққатидан кенг истеъмол бўюмлари таъйёрлаш тобора жадаллашиб бормоқда. Биз бўюмларимиз элга хизмат қилаётганидан ниҳоятда фخرланамиз, — дейди у.

Дарҳақиқат, Семён Альфёровичнинг ўзи ҳам доимо эл хизматида қамалбаста. Доимо тўқинчиликни яратишга кўпроқ ҳисса қўшишни ўйлайди. Амалий меҳнати билан бу тўқинчиликни ағушда келтиришга ҳисса қўшади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. У мавжуд техника, технология, ўз имкониятларини ҳисобга олиб Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги байрамига қадар икки йиллик топшириқни бажаришга ваъда берди. Бу марра томон кун ўтган сайин яқинлашмоқда.

СУРАТДА: С. Альфёрович.

Янгиликлар, воқеалар, хушхабарлар

Конкурс ғолиблари

Дастлабки беш йилликларда республикамизда қатор санат қорхоналари ишга туширилган эди. Тошкент тўқимачилик комбинати тўғичи санат қорхонаси сифатида яхши маълум.

Далиги» график ишлар ҳам яхши баҳо олиб, муносиб тақдирланди. Бу асарлар расмлардан М. Содиқов, Г. Бойматов, М. Кагаровлар томонидан маҳорат билан яратилган эди.

А. АЛИЕВ.

Корхонада практика

Мақта ўқувчиларининг ёзи ишлаб чиқариш практикасида яқун ясалди. Тошкентдаги 120-ўрта мақта юқори синф ўқувчилари учун ҳам бу практика чиннакам амалий кўнма ва чинқиш палласи бўлди.

Ташкентлик қўбиятига эга бўлган қатор юқори синф ўқувчилари тракторсозлар шаҳарчасидаги «Звездочка» пионер лагерда пионервожатийлик қилдилар. Бошқалар эса СССР 50 йиллиги номи «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ёзи кеникларини кўнглили ўтказишди. Улар ишлар билан ёнма-ён меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар. Тоқарлик, слесарлик бўйича амалий малака ҳосил қилинди.

Тракторсозлар ўқувчилар меҳнатидан мамнун бўлиб, ишлаб чиқариш практикасини «аъло» баҳоладилар. Практика тугаган бўлса-да, айрим ёшлар қорхонада қолиб, меҳнат жараёнини давом эттирмоқдалар.

Студентга авторлик гувоҳномаси

Ипак пилларни қайта ишлаш билан боғлиқ қурилма мухтаassisлар томонидан яхши баҳо олди. Чиндан ҳам Тошкент тўқимачилик ва енгил санат институтининг иқтидорли студенти Ю. Алексеев томонидан ясалган мазкур аппарат пилларнинг иссиқ суз буги орқали қайта ишлашда жуда қўл келди.

Ўзига хос конструкцияга эга бўлган ушбу мушарраф излашни учун ижодкорга авторлик гувоҳномаси берилди. Шу билан бирга бу янгиллик тўқимачилик қорхоналарида қўллашга тавсия этилди.

Қурилма дастлаб Запорожье ипакчилик комбинатида муваффақиятли ишлатила бошланди. Ҳисоб-кинобларга кўра шу ихтиро туфайли 30 минг сўмлик иқтисодий фойда қўрилди.

Мақтаб ислохоти—амалда

ти ёшлар учун хоналар талаб даражасида жиҳозланди.

Октябрь райони мактабларида бу йил 1320 олти ёшли ўқувчи бўлиб, улар учун қаттиқ, юшмоқ инвентарлар, ўйинчоқлар, техника воситаларга 120 минг сўм сарфланди.

Киров райони мактабларида ҳам бу йил 1900 та ўғил-қиз олти ёшлилар синфида ўқиши учун бутун шарт-шар

роитлар яратиб қўйилди. Куйбисhev райони мактабларида ҳам олти ёшлилар учун алоҳида таъйёрларлик қўрилди.

Мақтабларда электрон ҳисоблаш машиналари, «Агат» компьютерли кабинетлари ташкил қилинди. Ана шу янги ҳисоблаш машиналари билан ўқувчиларни кенг ўқитиш учун ушбу район бўйича 200 минг сўмлик ўқув ашёлари сотиб олинди.

С. СУЛТОНОВ.

Навбатдаги ғалаба

КЕЧА Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Волгограднинг «Ротор» клубини қабул қилди.

Уйин бошлангани билан ҳамшаҳарларимиз ҳужумга зўр бердилар. Бунга жавобан меҳмонлар ҳам кетма-кет қарши ҳужумлар билан жавоб берди. Уйиннинг 7-минутиде «Ротор» коллективни аъзоси тошкентликлар ҳужумчисини дарвоза яқинида қўполик билан тўхтади. Пахтакорчилар капитани Г. Денисов жарима

тўпини дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни очди. Шундан кейин ўйин яна ҳам шиддатли тус олди. Урашувнинг 41-минутиде «Пахтакор» вакили В. Постнов узатган тўпини М. Кабаев дарвозага йўллаб, ҳисобни оширди. М. Кабаев шу кунгача урган тўпини 11 тага етказиб чемпионатда энг кўп гол урғучилар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Уйиннинг иккинчи бўлими ҳам қизиқарли ўтди. Пахта

корчилардан А. Абдураимов, О. Синебобов, Н. Нортонжеев ва М. Кабаев тепган тўпларни «Ротор» командаси дарвозабони мохирлик билан қайтарди. Шундай қилиб пахтакорчилар жамғармасиде очколар сони 30 тага етди.

Энди ҳамшаҳарларимиз навбатдаги тур учрашувини 30 августда ўтказадилар. Шу кунги пахтакорчилар ўз майдонларида Воронежнинг «Факел» коллективини қабул қиладилар.

Футбол

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

Партия турмуши ва қайта қуриш

Созловчилар ғайрати

Иттифоқимизда барча соҳаларда иш услубини қайта қуриш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш жараёни қизгин тус олган шу кунларда танқид ва ўз-ўзини танқидга алоҳида эътибор берилади. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг январь (1987) Пленумидан кейин иш фаолиятига танқидий қўз билан қараш турмуш тарзининг таркибий қисмига айланиб қолди. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тепловоз ремонт заводида ҳам йўл қўйлаётган нуқсонларни коммунистлар, илгор ишчилар беғаразли билан кўрсатиб, умум-халқ ишига катта ҳисса қўшмоқда.

Айни дамларда ремонтчилар ҳузурида бўлган қилдор меҳнат устидан чиқади. Заводнинг 2,5 минг нафар созловчиси оғир юкларни ташувчи 2 ТЭЛОВ ва 2ТЭО1.1 маркали тепловозлардан 380 тасини йил охиригача ремонтдан чиқариб, асосий эътиборни сифатга қаратиш, капитал ремонтсиз йўл босишини икки йил ўрнига тўрт йилга етказиш мажбуриятини қабул қилишган. Улар

йил бошдан бери ҳар ойда ўртача 28 тадан кўдратли тепловозни транспортчиларга етказиб бераётганлар. Созланган тепловозлар Киев, Ленинград, Куйбишев, Душанба ва бошқа шаҳарлар темир йўлчиларига жўнатилган.

Улуғ Октябрь соци

партия комитети аъзоси сифатида меҳнат интизомини мустаҳкамлашга нафи тегадиган тақлифларни киритди. Халқ судининг маслаҳатчиси сифатида берган йўл-йўриқлари бир неча кишига ҳаётдан ўз ўрнини топиб олишга ёрдам берди. Шунингдек, унинг қўлиги.


Ишчиларимизнинг тажрибаси, ҳамкорлиги қўл келди. Айниқса, синов тажрибага ултишган коммунистлар авангардлик қилдилар. Синовчи-машинистлардан И. Файзиев, Н. Дученко, Ю. Раҳматулов сингарилар ҳаммасларига намуна бўлмоқда. Азаматлар ҳар бир сменада 600 граммдан ёқилган мотилар материални тежаб қоллишга эришдилар.

— Зарбдор вахтада ишчи «Коммунистик меҳнат зарбдор» бригадаси тузилди. Улар ўзаро мусобақаланиб ишлашмоқда, — дейди

балки двигателларини ремонт қилиш деҳи ишчилари ҳам илгорлар қаторида боришмоқда. Юқори кўрсаткичларга улар фақатгина созлаш ишларини бажаришни механизация зиммасига тобора кўпроқ юклатганликларини учун эришяптилар. Шу кунларда цехда 27 нафар КПСС аъзоси самарали меҳнат қилмоқда. О. Қолаев, Г. Отахонов, В. Пинев, М. Тоғай кабиларнинг ғайрати туфайли смена топшириқлари ортиги билан урдаланяпти.

Умуман олганда барча цехлар коммунистларни сидқидилдан тертўқиб қорхонанинг етти ойлик планини ортиги билан адо этишида муносиб улуш қўшдилар. Созловчилар шу кунгача 235 та тепловозни капитал ремонтдан сифатли чиқариб, темирйўлчиларга жўнатдилар. Улар Улуғ Октябрьнинг 70 йиллик юбилейини муносиб совға билан қутиб олишга интиломоқдалар. Шу мақсадда 7 ноябрда қадар оғир юк тортувчи тепловозлардан 60 тасини созлашга аҳд қилдилар.

У. МУҲАМЕДОВ, «Тошкент оқшони» жамоатчи муҳбири.



Пойтахтимиз буюмкорлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олишмоқда. «Главташкентстрой»нинг 6-трестига қарашли 7-қурилиш бошқармасининг коммунист Н. Газизов бошчилиги қилаётган бригадаси аъзолари ана шундай зарбдорлардир. Уларнинг бу йил фойдаланишга топширган янги уй-йўли бинолари эгаларига мажбур бўлмоқда.

Сурагда: қурувчилардан Р. Макитов, К. Ҳакимов, Г. Кудияновлар.

Д. Облаев фотоси.

МЕҲНАТ КУВОНЧИ

Меҳнати билан обрў қозонган меҳнат илгорлари республикамиз беш кўрғазмасининг диққат марказида бўлиб, улар ҳар йили рағбатлантириломоқда. Кунинча кўрғазма киноленторисидеда бўлиб ўтган таъналар йилнинг Тошкент шаҳарлиги қорхона ва ташкилот раҳбарлари, илгор ишчилар тақлиф этилди. Кўрғазма директори И. А. Азизов илгорларга рағбатли ва оқ-қора таъналар телевизорлар, радио приёмниклар, китоблар терналар, фахрий ёрлиқлар ҳамда дипломлар топширди.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Кизил тоғ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси шахримиздаги илгор қорхоналардан бири ҳисобланади. Ўтган йили қорхона коллектив йиллик план топширигини 100 фоиз адо этиб, маҳсулот реализация қилиш планини 101,2

процент бажарди. Меҳнат унуми 100,3 процентга етди.

1986 йили пойтахт қорхоналари орасида ўтказилган социалистик мусобақалда ғолиб чиққан ҳам коллективнинг самарали меҳнатидан далолат беради. Ана шу ютуқлари учун қорхона коллективига кўрғазма меҳнат фахрий дипломи ҳамда рағбатли телевизор берилди. Ўтган йилининг 5-цехи бошчилиги Ш. Юсупова, тикувчи моторист, раҳбар, меҳнат унуми асослари меҳнатлари учун фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган.

Телевизор ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланган ташкилотлардан яна бири «Промстройкомплект» бирлашмасига қарашли 1-йўлчилик заводида. Коллектив республика халқ ҳўжалигини ривожлантиришга муносиб улуш қўшди. Варча

техникавий ва иқтисодий планлар ортиги билан бажарилиди. Завод Тоёмень ҳамда Тошкент шаҳарлиги таъйини қурилиш объектларини комплекслаштиришда актив иштирок этиди. Ишчилар барпо этилаётган қурилиш объектларини эшик, ром, шифа каби ёғочовлик материаллари билан тўла таъминлашмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар шаҳримизнинг Мунчилик қўчасида нал кўтарайотган турар жой бинолари, Тошкент темир йўли транспорт инженерлари институт ётоқхонаси, М. Горький йили номидаги драма театри, Юнусовбод массивидеги 19 ва 25-бўлалар боғчаси, Қорасув массивидеги ўрта мақтаб каби қурилиш объектларига юбо.

Кўрғазма дипломлари билан мукофотланганлар орасида 12-қурилиш трестининг 49-қури

Фойдаланишга топширилди

«Ташпромстрой» трести коллективининг 48 меҳнатчиси уй тўйи ўтказадиган бўлди.

«Ғалабининг 40 йиллиги» турар жой массивида уй эгаларига квартира қалитлари таънали топширилди.

Био қурилишда Тошкент санат қурилиш трестининг бошқармалари қатнашди. Пардоз ишларини бошқарманинг Б. Фозилов, Қ. Тўраев, А. Мансуров, Х. Мирзаевлар етакчилиги қилаётган бригадалари тез ва сифатли бажаришди.

Янги био қурилишида

Энгельс кўчасида яна бир осмонўпар био қад ростлади. Бу био Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг республика ахборот ҳисоблаш марказидир.

Био қурилишда бош пудратчи «Ўзбекдизэнерго-строй» трестининг «Ташэнерго-строй» қурилиш монтаж бошқармасининг О. Бобоқонов ва Н. Иомов етакчилиги қилаётган бригадалари коллективлари бунёдкорлик ишларини жадал суруятда олиб бормоқда. Н. Иомов бригадаси бунёдкорлари меҳнат унумдорлигини оширишга эришдилар.

Улар махсус қўш тўқичи элементларидан бир йўла 6 тасиқ пастда монтаж қилиб, юқори қаватда ўрнатилган усулнинг жорий қилдилар.

Бундай усул графикдан ўзи ишлаш имконини берди. Ҳозир бу илгор коллектив сентябрь ойи ҳисобида меҳнат қилмоқда.

Био қурилишга 2 миллион сўм капитал маблағ ажратилган. Ҳамма хоналар замонавий бўюмлар билан жиҳозланган бўлиб, хизматчилар учун ҳамма нарса муҳай.

Иккунда жойлашган био залда бир йўла 100 киши маданий дам олади.

Бинокорлар бионин Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига совға қилиб топшириш учун ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб меҳнат қилмоқдалар.

Муддатидан илгари

«Уқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини билей йили саккиз ойлик топшириқларини муддатидан олдин бажарди.

Товар оборот 103,5 процент ёки 12 миллион 480 минг сўм ўрнига 12 миллион 920 минг сўмлик иш бажарилиди.

Халқ истеъмол бўюмлари чакана нарх бўйича 103,7 процент ёки 14 миллион 828 минг сўм ўрнига 15 миллион 373 минг сўмлик маҳсулот харидорларга етказиб берилди.

«Н» индекси билан 111,5 процент янги 405 минг сўмлик ўрнига 475 минг сўмлик иш бажарилиди.

Безак ленталаридан шу кунгача қадар 4 минг метр таъйёрланди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги нишонланадиган кунгача қадар 10 минг метр безак лентаси ишлаб чиқарилади.

Бирлашмада бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш ташаббуси билан чиққан чеварлар ҳам анчагина бор. Улар орасида Л. Серженко, С. Ҳакимжонов, Д. Султонов, А. Шлепнина, Ш. Махкамовлар бор.

Цехлар ўртасидеги мусобақад Чукурсойдаги 1-цех тўқувчилари пешқадамлик қилишмоқда.

ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Шаҳар хунар-техника таълими системаси ходимларининг бугун ўз ишнин бошлаган август педагогика кенгашида бир қатор масалалар муҳокама қилинмоқда. Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари А. И. Фозилов «Умумий ўрта таълим ва хунар мактаби ислохотини амалга оширишда камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ҳамда бу борада партия, совет ва ҳўжалик органларининг туттан ролини ошириш тўғрисида» доклад қилди.

«Умумий ўрта таълим ва хунар мактаби ислохотининг асосий йўналишлари» муносабати билан ўқув-тарбия ишларини қайта қуриш масаласи конференцияда қатнашчиларининг диққат-марказида турди.

Бу қайта қуришлар юқори малакали ишчи кадрлар таъйёрлаш сифатини ошириш, ёшларни илдоризм касбларга илҳомлантириш, база қорхоналари билан алоқани

ҳам илгор педагогика коллективларининг энг яхши тажрибаларини тез ўрганиш ва уни кенг омаллаштириш лозим, деб таъкидлашди конференция қатнашчилари.

Бугунги кунда шаҳарда 57 та хунар-техника билим юрти бўлиб, уларда 125 иштирокчи бўлиб қадар таъйёрланмоқда. Янги ўқув йили ҳар бир билим юрти коллективини учун изланиш, тўланган илгор тажрибани ўқув-тарбия жараёнида тадбиқ этиш, ўқиш амалий иш билан қамбарчас боғланиши, ўқиб келаётган алоҳида жамоат тадбирларига синфий ёндашув ҳиссини шакллантириш каби масъулиятли вазифаларни қамраб олмоғи керак. Ҳар бир педагогика

коллективини интернационал, ватанпарварлик, атеистик тарбия масалалари билан ҳуқуқ шугулланиши тақозо этилади. Бу ишда бебаҳо ленинча мерос ва партиянинг бой тажрибасига асосланмоқ керак.

Эртага шаҳар хунар-техника таълими системаси ходимлари секция мажлисларида янги ўқув йили бошлангани муносабати билан ўз олдидеги туганган вазифаларни муҳокама қилишни давом эттиридилар. Маъгулотлар ва ишлаб чиқариш практикасини ўтказиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини маъмулий ташкил этиш, уларни эстетик ва жисмоний бакуват руҳда тарбиялаш борасидаги иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

ТАБИАТ-ИНСОН ОНАСИ

Бз фаслининг энг гўзал ва тўқин-сочини ойн — август ҳам охирлаб, халқимиз севаб ифодалаган олтин куз фаслига ҳам саноқли кунлар қолди.

Эзинг фазиз-таровати ўзгача, Бог-роғларда, ҳовли-томорқаларда анвоин мена-чевалар, сабзавотлар, турли-туман ноз-неъматлар гарқ-пишиб, ҳар бири ўз «жисми-аъзоси»да инсон сийхат-саломатлиги ва бардам-бақувватлиги учун зарур дармондориларни, ширин-шакар шарбатларни, барча фойдали мадданларни ҳозир-нозир этиб турибди. Эзинг саҳовати — саломатлигини қуввати деб айтса бўлади.

Саратон қўши бу ёз фаслида она заминга негизли ўзгача ҳарорат бағишлади. Ёз кунлари худди баҳорини эслабди, ҳаво нойхонда салқин бўлиб кетди, айрим кунлари шаррос ёғир ҳам ёғиб ўтди, пахтазорларимизга авми саратонда дўл ётгани ҳамини ҳайратга солди, бободехон дуркун ўсиб турган қўм-қўн гўзаларини катта-катта дўл «қамчи-синдан» пайқаб бўлаётгандай дилжигари эзилиб қайтаради. Лекин пахтазорнинг иродаси зўр, барбери далами яшнатиб юборди.

Табиатнинг шундай икки-қайсар «фасли-атвори»га ту-

шуниб бўлмайди. Ёз тугаб, кўз ҳавоси сезилмайдиган бир пайтда ҳарорат кўтарилиб, 40—42 даражага етди. Бунинг отахонларимиз: «Саратон ҳақини олапти, кўшнинг иссини пахтага, ноз-неъматлар гарқ-пишибига жуда керак», дейишди.

Табиатни асраш, атроф-муҳитни мусаллоҳ сақлаш,

ҳавони ва сувни ифлослан-тирмаслик инсон қўлида экан, ҳар биримиз унга сидқидилдан ҳаракат қилишимиз керак. Шаҳримиз қучоғида сўлим хибоблар, чиройли майдонлар, раво дарахтзор кўчалар, мева-ли ботаниклар бори, уларнинг доми озода ва саранжом-сарини сақлашнинг керак. Шаҳримизда ташқи муҳитни ифлосланган камайтириш учун муҳим чора-тадбирлар қўрилмоқда. Корхона-ларда технология жараён-лар таомиллаштириляпти,

ишлаб чиқариш реконструк-циялангичи, ҳавони ифлос-лантирмайдиган ҳам ашё ва ёқилғилардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган.

Шаҳримизнинг жаҳондан оқиб ўтадиган Чирчиқ дарё-си, ундан ажралиб шаҳар қучоғидан қот томирлар ка-би ҳаёт бағишлаб оқадиган Анҳор, Бўзсув, Кайқовус,

ларни жуда зарарли эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлади. Ҳаво ҳарорати иссинг бўлган кунларда, умуман ша-ҳар шароитида чанг ва ту-тун киши соғлиғига салбий таъсир қилади. Кўчаларга, хибоб ва майдонларга бот-бот сув сеппи туриш, озода-лик ва саранжом-сарини та-лиққа этиб бериш керак. Шунинг ҳам очиб айтиш ке-ракки, баъзи жойларда фар-рошлар тўпланган ҳазон-чи-қиндиларни, ахлатларни ёқ-ишди. Аччиқ тутун ша-ҳар ҳавосини бузади, одам-ларнинг сийхатига зиён ет-казди.

Халқимизда яхши одат-анъаналар бори, ҳовли-жой атрофида турли дов-дарахт-ларни екишди, гуллар ўтказ-ишди, ҳар бир хонадон эши-ги олдин сулуриб-сидириб, чиннидек озода қилиб қў-йди. Маҳаллаларда ариқлар тоза, сувлар раво оқди. Буларни кўрганда одамнинг кўнгли очилди, дил ярай-ди, кайфият кўтарилади. Шаҳримизнинг бир туп ниҳолдан тортиб, сув, о-йи, ҳавоси, хибоб-боғларни, турфа ўсимликлари она та-биатнинг инъом-эхосини экан; ҳаммасини кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, муҳо-фаза қилишимиз муқаддас бурчимиздир.

Т. РАСУЛОВ.

Нодир ўсимликлар

Боғ-томорқа юмушлари

Ўз-ўзидан кўпаядиган сув гўзали



Кейинги йилларда Иттифоқимизда бўлганидек, Ўзе-кистонда ҳам атроф-муҳит муҳофазасига, жумладан сув ҳавзаларини тоза сақлаш ишларига кўпроқ кўриб бериш керак. Сув ҳавзаларини тоза сақлашда эса сув ўсимликларининг тугган ўрни салмоқлидир.

Сув ўсимликлари ўсиш-ва ривожланиш учун зарур мо-даларнинг барчасини (азот, фосфор, калий ва бошқалар-ни) сув муҳитидан олади. Шу билан бирга, улар сув-нинг газ режимида сезилар-ли таъсир кўрсатади.

Мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника инсти-тутини қўшидаги сув ўсим-ликлари лабораториясининг ҳодимлари республикамиз сув ҳавзалари ўсимлик до-дусини ўрганиш билан бирга, мамлакатимизнинг табиий сув ҳавзаларида уч-рамайдиган, лекин бизнинг иқлимий шароитимизда жу-да ҳам ривожланиб, мўл ҳосил берадиган ўсимликлар устида кенг илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

Флорамизда учрамайдиган, лекин бизнинг шароитимизга яхши иқлимлаштирилган ўсимликлардан бири — эй-хорнядир. Эйхорния, яъни сув гиацинти-понтидерия ои-ласига мансуб сув ўсимли-гидир. У Манубий Америка-даги Венесуэла давлатида ке-либ чиққан бўлиб, Ама-зонка дарёси ҳамда унга ту-таш сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Ўшдан — ташқари, эйхорнияни Ер кура-сининг тропик ҳамда субтропик ми-на-таларида ёввойи ҳолда уч-ратиб му-ким.

Сув мақсадига деб аташга лойиқ бу ўсимлик ўзига хос кўринишга эга бўлиб, бўйи 25—30 сантиметргача ет-ади. У кучли илди-система-сига эга бўлишига қарамай, сув бетидан калби, муаллақ ҳолда ҳаёт кечи-ради. У ҳар қандай кучли тўқин-ни пўртаналарда ҳам чў-киниб ётиб тура олади. Чунки унинг барг, бан-ди ўзига хос тузилмашга э-га бўлиб, ўрта қисми ҳаво билан тўлган шарсимон пуфак-чалардан иборат.

Эйхорниянинг барги содда тузилган бўлиб, барг пла-стинкасининг четлари бутун, тунжиса, шакли эса гуя пан-тусига ўхшайди. Унинг по-пуссимон илди-системаси жуда ҳам кучли ривожлан-ган, узунлиги 38—45 сан-тиметргача етди. Бу, ўсим-ликланинг оқилдониши учун хизмат қилишдан ташқари, унинг танасини сув бетидан муаллақ тутиб туради.

Э. ЮНУСОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника инсти-тутининг катта илмий ходим-и.

Қизғин палла

Олтин ёнинг энг тўқин ва сўнгги ойн — август ҳам охирлаб борапти. Бу ой сабзавоткорлар ва боғбонлар учун қизғин иш палласи ҳисобланади. Бу даврда томор-қа кўжаларида пишиб етилган ноз-неъматлар сони кўпайиб боради. Дастурхонимиз ширинли ва витаминларга бой бўлган маҳсулотлар билан тўлиб-тошади. Бир томон-дан етиштирилган мева ва сабзавот маҳсулотларини йи-ғиштириб олиш, иккинчидан кечки экилган картошка ва сабзавот экинларини парвариш қилишни ўз вақтида ба-жариш зарур.

Тажрибкор деҳқонлар август ойини «Асад — экиннинг яса» деб бежиз айтишмаган. Шундай экан, аввало томорқа эгаси пишиб етилган сабзавотларни ўз вақтида моҳирлик билан йиғиштириб олиши керак. Бу ишни кечиктириб бўл-майди, акс ҳолда ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлиши му-мкин. Шу босидан помидор, баклажон, чучук қалампир, па-тиссон ва бошқа сабзавотлар ҳосилини, оммавий йиғиштириб олиш давом этади. Айни пайтда сабзавоткор кечки картош-ка ва сабзавот экинларини парвариш қилиш бўйича қўйидаги муҳим агротехника тадбирларини амалга оширишлари керак.

Ёзда экилган кечки картошка вегетациясининг дастлабки кунларидек юқори ҳарорат ва қуруқ ҳавога ўсади. Шунинг учун кечки картошкани экилгандан кейин дарҳол сўғориш керак. Шундан 5—6 кун ўтгач, яна сўғорилади. Кейинчалик ҳар 8—10 кунда экинга бир текис сув бериб турилади. Кар-тошкани сўғориш ҳосил йиғиштириб олинишидан 2—3 ҳафта олдин тўхтатилади.

Картошкани парвариш қилишда асосий тадбирлардан бири — чопиқ ҳисобланади. Чопиқ қилишдан мақсад фанат бе-гона ўтларни йўқотиш ва ўсимлик атрофидagi тупроқни юмша-тишдир. Чопиқ, балки ҳосилни юқори ҳароратнинг зарарли таъсиридан сақлаш ҳамдир. Кечки картошка икки марта чоп-иқ қилинади. Биринчи чопиқ картошка икки марта кў-кариб чиқиб, бўйи 15—18 сантиметргача етганда, иккинчиси эса ўсимликланинг гуллаши олдинда ўтказилади. Чопиқ билан бир вақтда ҳар 100 квадрат метр ерга 2—2,5 килограмм карбамид ёки аммиак сепитраси солиш тавсия этилади.

Кечки карам ҳам 2 марта чопиқ қилинади. Биринчиси — кўчат тўла кўчаргандан кейин, иккинчиси эса биринчи чоп-иқдан тахминан 20—25 кун ўтгач, яъни карам ўрай бош-ганда даврада ўтказилади. Чопиқ билан бирга карам ўсимли-ги ҳам худди картошка сингари ўйитилади.

Кечки бодринг уруғи униб чиққандан кейин икки марта ягана қилинади. Биринчи ягана майса бета чинбар чик-арганда ўтказилади ва ҳар уяда 2—3 та бакуват ўсимлик қол-дирилади. Майса 3—4 та чинбар чикарганда, уяда биртадан, яъни охири ягана ўтказилади. Бу сафар ҳар уяда биртадан ўсимлик қолдирилади. Кейинги қилинганда парвариш ўсимлигини тез-тез сўғориш, қатор ораларини юмшатиш, чоп-иқ қилиш, ўғитлаш, касалик ва зараркундаларга қарши курашишдан иборатдир.

Август — ёзги-кузги пилэ экиш учун энг қўлай мўддатдир. Бу вақтда экилган пилэ тез кўкариб чиқади ва бутун сен-тябрь, октябрь ва ҳатто ноябрь ойлариди ҳам ўсади ва қи-чи совуқлар тушгунча ўсимлигининг баландлиги 15—20 сан-тиметрга етди, илди-системаси яхши ривожланиб қишло-дан дуруст ўтади. Агар пилэ экиш мўддати кечикиб кетса (сентябрда экилса) пилэни қишда совуқ урмиш мумкин. Шун-инг учун экиш мўддатини қўлдан бой бермаслик керак.

Саримсоқ пилэ экиш мўддати ҳам яқинлашмоқда. Сарим-соқ пилэ бўлакчаларидан кўпайтирилади. Уни бодринг, ка-рам, картошкандан бўшган ерларга экиш тавсия этилади. Энг яхши экиш мўддати август охири — сентябрь бошлари ҳисобланади. Экиш учун 70 сантиметр кенгликда эгати олади. Эгати усти хаскаш билан текисланади. Кейин 4—5 сантиметр чуқурликка лентасимон усулда икки ёки уч қатор қилиб пилэ бўлакчалари экилади. Лентадаги қаторлар ораси 10—15 сантиметр бўлади. Соуқ тушгунча қадар саримсоқ бир-икки марта сўғорилади.

Хулоса қилиб айтганда, агротехника тадбирларининг ҳам-масини ўз вақтида ва сифатли амалга оширсан, томорқада баракали ҳосил учун пухта замин яратган бўламиз.

А. УМАРОВ,
қиллоқ кўжалик фанлари кандидати, доцент.

Имтиҳон

Инсон табиатдан мадат кутмаган, ўзин асраб келган сув балосидан. Ёвуз ҳаммасидан шайфат кутмаган, Ёрга тул излаган нур, ҳавосидан. Тошқинлар чанг солса, чоҳлар қурилган, Ташлама қазилб, тикланган тўғон. Ўту сув балоси четга суртилган, Ваҳший оқилларни даф этган инсон. Ўдратини қўқийди уфган ҳар гул. Ўлардан заминнинг чамани мангу. Баъзан терс, чуқдираб табиат йўли,

Янги асар

«Меҳнат» нашриёти до-ришнуво олимлар М. На-биев, В. Шальнев, А. Иб-роҳимовларнинг «Шифо-бахш неъматлар» китоби-ни босиб чиқарди.

Китоб муаллифлари та-биий ҳолда ўсадиган, шу-нингдек маданий равиш-да етиштирилган одам-мишдан ортиқ ўсимлик неъматлари устида тўхта-либ, уларнинг ҳосиллари-ни атрофича баён этиш-га ҳаракат қилишган. Ки-зиқарлиги шундаки, инсон саломатлигини мустақам-лайдиган, бир қатор хас-таликларга даволик қи-ладиган восталар — та-биий оимил бўлган табиат неъматлари ҳисобланади.

Китоб авторлари айнан бир ўсимлик устида тўх-талар эканлар, маъмур табиат неъматини киши-лик ҳаётида тутган ўрни, халқ табиати, шунингдек ҳозирги замон медицина амалиётида қўлланиши ў-стида маълумот беришга ҳаракат қилганлар.

Ҳозирги илмий меди-цинада қўлланилаётган дориларнинг 40 процентини ўсимлик ма-ҳсулотлари ташкил этади. Мутахассис олимларнинг берган маълумотларига қараганда, табиат не-ъматларидан дориларни ра-вишда олинадиган препа-ратларга нисбатан афзал-лиги билан ажралиб тура-ди. Чунки табиат эҳсони бўлиши ўсимликлардан таркиб топган дорилар деярли асоратсиз ҳисоб-ланади.

«Шифобахш неъматлар» китобида кўрсатиб ўтил-ган табиат неъматлари-нинг аксарияти маданий равишда экиб ўстирилади-ган ўсимликларнинг маҳ-сулотидир. Китобда ҳо-зирги вақтда камбў ҳос-олган айрим нодир ва нобў ўсимликларнинг ши-фобахшлиги устида ҳам маълумотлар келтирилади. Шунингдек, маълум бир хасталикка қайси бир та-биат неъматларидан ўз ўрнида, оқиллик билан фойдаланиш мумкинлиги, ўй шариғида мулоқот бе-зарар доривор оимиллар-ни тайёрлаш йўллари ҳам кўрсатишган.

Т. АШРАФОНОВ.

Бу—қизиқ

Гўё...

Тарих завараларида на-ботот оламини билан боғлиқ бўлган мўъжизалар қайд қи-линади. 1963 йилда Рим шаҳ-ри ёнида қурилиш ишлари олиб борилаётган эди. Гурил-лаб ишлаб турган экскаватор чўмчи нойхонда оғир устин-га тирилиб қолади. Синчилла-калганда, у қадимий тош тобу-т — саркофаг эканлиги аниқланади. Саркофаг эҳтиёт-корона оқилганди, атрофда-гиларнинг димоғига қандайдир ҳали номаълум бўлган гўёларнинг хушбўй иси ури-лади. Ҳазин йўқотиб қўй-ёз-ган археолог ва муҳбирлар-нинг кўз ўнгига бир вақтлар мўъжизалар киши жасади ёки хони бўлмасдан, балки яқинидаги уйкуга кетган, ҳали юзюда ҳаёт, табасум мавжиси чўмган киз ётарди.

Ҳа, атрофдаги кишиларнинг ҳаяжонли товушидан уйғо-ниб кетётганда, ифдат ола-мининг соҳибаси ҳаётдан ўз-юмганига 1800 йил бўлган экан. Таъкидлашнинг шундан-ки, қизалоқнинг назари бадани-пилэ билан қопланиб, унинг устидан қандайдир шарбат шимидрилган нафис мато би-лан шик анбар қилинган эди. Италияли мутахассис-ларнинг фикрига қараганда, марҳумани ўраб турган мато эваллипт шарбати билан омух-тада бўлган қандайдир ўсим-ликлар ифорибига шимидрил-ган.

Қизик, эваллипт дарахтлари Европа қитъасида XVIII ас-рини охиридада келтириб экилган. Африка қитъасида эса, эваллиптлар бундан ке-йин ҳам ўстирила бошланган эди. Бу мўъжизакор ўсимлик-нинг ватани Австралия бў-гани аниқ. Муаммо эмасми?

Д. ХУЖАЕВА,

доришнуво.

«Оқшом»га хатлар

№ 12 (959)

Адабиёт тарғиботчилари а н ж у м а н и

Маълумки, бутунги қайта қуриш жараё-ни партияимизнинг гўявий масканларидан бири бўлган адабиёт музейлари фаолияти-да ҳам жиддий ўзгаришлар қилиш лозим-лигини кўрсатди. Музей залларини безатиш-да тарихий руҳ ва рамайиликка катта э-тибор бериш лозим.

РСФСРнинг Таганрог шаҳрида бўлиб ў-тган адабиёт музейлари директорларининг Бутуниттифок семинар-кенгашида мана шу доллар масалалар ҳақида сўз юритилди. СССР Маданият министрлиги бу кенга-шин Таганрог шаҳрида ўтказиши бежиз эмас. Чунки улур рус ёзувчиси А. П. Че-ховнинг она ватани бўлган бу шаҳарда адаб хотираси билан боғлиқ бўлган барча ёдгорликлар партия ва совет ташкилотла-рининг бевосита ёрдамида қайта тикланиб музейлаштирилган. Анжуман қатнашчи-лари А. П. Чехов туғилган уйда, Чеховлар-нинг бақолчилик дўконига очилган мемо-риал музейларни, адаб ўқиган гимназия биносига жойлашган адабий экспозицияни ўрганиб чиқдилар.

Бу кенгашда қатнашши шаҳримиз му-

зейлари олдида турган баъзи масалалар хусусида қатор фойдали маслаҳатлар оли-шимизга ёрдам берди.


Бир мисол: бутунги кунда А. П. Чехов-га бағишланган экспозициялар 1 минг квадрат метр сатҳ майдонни эгаллаган. Лекин таганрогликлар А. П. Чехов яшаган яна бир катта бинода туруви «илаларни яни уйларга қўчириб, бу ерни ҳам музей-лаштиришни ўйлаётганликлар диққатга сазовордир.

Айни кунларда эса бизнинг азим Тош-кентимизда ҳам ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Абдулла Қаҳҳорнинг уй-музеини ташкил этилмоқда. Бу унинг экспозиция майдони 90 квадрат метрдир. Бу ерда улкан адаб ҳаёти ва ижодий йў-лини тўлалигича акс эттириш мумкин, ал-батта. Шу босидан музейнинг келажакда тўлақонли фаолият юритиши хусусида ўй-лаб қўриш мақсадга мувофиқдир.

У. ЕРМУХАМЕДОВ,

Ойбек уй-музеининг директори.

СУРАТДА: А. П. Чехов уй-музеида.



Зиё маскани

Хангома

Бизнинг кутубхонамиз «Маданият» маҳалласи территория-сига жойлашган бўлиб, асосан шу маҳалла аҳолисига ва мак-таб ўқувчиларига хизмат қилади. Бизнинг шундай актив ни-тоҳбонларимиз бори, биз улар билан фахрланамиз. Улар Галина Козинкина, Равиля Самгуллина, Абдор Хамтов, Ди-ффуза Ортиқбоева, Ольга Дешенчук, Гулчехра Файзуллаева ва бошқаларидир.

Китоб — билим манбандир. Шундай экан, биз китоблардан фойдаланганда, уларни асраб-авайлаб туттишимиз, қадрлаш-миш, таъбир жоиз бўлса китобни нондек қимматбаҳо бойлик деб билишимиз керак. Ама баъзи китобхонлар бори, китоб-ни пала-партиш тутадилар, ўқиганда чизиб, ҳар хил нарсаларни ёзиб ташлашади. Кутубхонага бир ўқувчи китобни ўқиб бўлиб, қайтариб олиб келди. Уни очиб қарасам, не кўз билан кўрайми, китобдаги расмлар қирқиб олинган, кўп ва-рақлари йўқ.

— Нега китобни бу аҳволда олиб келдингиз, — дедим.

— Мен олганимда ўзи шундай экан, — деб жавоб берди у.

— Хўш, бунга нима дейиш керак?

«Ҳар бир китоб катта коллектив меҳнатининг маҳсули, уни асраш керак», — деган эди Н. К. Крупская. Дарҳақиқат, ки-тоб қанча-қанча кишиларнинг меҳнати ва ақл-заковати би-лан зоғага келади. Шундай экан, уни доим асраб-авайлаб ту-тишимиз, кўпчилигининг меҳнатини қадрлашимиз лозим.

М. ФОЗИЛОВА,

Сергелидаги 6-район кутубхонасининг катта кутубхоначиси.

Санъаткорлар сафари

Ўзбекистон Композиторлар союзи йўлнамаси билан бир гуруҳ санъаткорлар шу кун-ларда республика меҳнатқаш-лари хузурида бўлиб, концерт программаларини намойиш этмоқдалар.

Композиторлар ва ижрочи-лар Тошкент, Сирдарё, Сур-хондарё, Жиззах ҳамда Наман-ган область меҳнатқашлари хузурида суҳбатлар ва кон-церт номларини ўтказди-лар. Бу каби тадбирларда та-ниқли ўзбек композиторлари билан бирга, бир гуруҳ иж-рочилар ҳам қатнашмоқда-лар. Тошкент областида Тўл-қин Тошматов, Солиҳ Абсало-мов, Валерий Сафаров, Сир-дарё областида Эдем Нальбан-дов, Эдуард Қаландаров, Фар-ход Алимов, Сурхондарё об-ластиди Собир Бобоев, Мирсо-диқ Тоқиев, Рустам Абдулла-ев, Жиззах областида Хайри Исомов, Нодим Норқўжаев, Зумрад Тўйчиева, Наманган областида Тельман Ҳасанов, Аваз Мансуров сингари ко-мпозиторлар иштирок этидлар.

Кунинг кеча республика ко-мпозиторлар союзининг бир гуруҳ санъаткорлар группаси

Жиззах областида бўлиб қайт-дилар. Бўлиб ўтган учрашувларда композиторлардан Султон Ан-варовнинг «Пахтакор», «Чўл аланси», «Мен «Шикман», Анастасий Барановнинг «Ме-нинг Фарғона», «Ўзбеки-стон», «Сени севаман рес-публикам менинг», Тельман Ҳасановнинг «Тазим ва та-басум», «Майса», «Сўлим ди-ёр», шунингдек, Хайри Но-мовнинг «Қаҳрамон қилар», Шариф Рамазоновнинг «Ме-нинг Ватаним», Монас Леви-евнинг «Эрта» каби қўшиқ-лари ижро этилди.

— Биз пахтазорлар тош-кентлик санъаткорларнинг бундай хайрли ишларидан миннатдоримиз, — дейди Жи-зах районидаги К. Маркс но-мили совхозининг 4-бригада бошлиғи Узоқбой Сангиров. Қўшиқ бастакорлари ва унинг ижрочилари билан бўладиган учрашув ва концертлардан мамун бўлдик.

Б. РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Композиторлар союзи пропаганда бўлими ходими.

Мирза КАРИМ,
журналист.

Лукма

«Тўрт хотин кинога бордик»

Редакцияга келган хатлар-нинг бири ана шундай сўз-лар билан бошланади. «Не, тўртта хотин кинога борса нима қилибди?..» Шунда яна бир фикр ту-ғилиди.

«Кинога борган тўртта хотин бекорга редакцияга хат ёзма» керак, бирор дариб бордикми ёзбиди-да, бўлмаса?..»

Бўлмаса, маза қилиб «ин-дийский» кинони кўриб, сўнгга уйга борган «ин-дийский» мойлардан сими-яни, тирикчилик шукрона айта-айта ширин тушлар қў-либни ухларганида, бош-ка нима қилишарди? Афсуски, биз ўйлаганча-лик бўлмаган экан. Хатини ўқигач бизнинг ҳам Олой бозоридан не-не машаққат билан кўтариб келган тар-вузимиз қўлтиғимиздан ту-ли уша кунин (9 июль соат шиб кетди. Бунини қарангки, 4 да) тоза, салқин экан.

Тўртта хотин кириб ўтириб-ди. Кино бошланибди. Бироқ бошланибди-ю, тутамасдан эшиллар лаг очилиб зал ён-ёру бўлиб қолди.

Кейинги эзиллар: Уйга кир, бунга кир. Кас-сирга кир ҳам, маъмурнинг топ, директор кабинетига бориб долингни айт! Қани энди долингни биров эшит-са. Шундай қилиб, тўртта хо-тин, бир-икки йилда вақт топиб бир марта, атиги бир мартагина кинога кирган тўртта хотин вақт аллама-хал бўлганда уйларига раво-на бўлишибди. Уйга келиш-са... эрлари Чорсу боозри-дан хариб қилган биттадан тарвузини қўлтиқлаб турш-ганимми. Кинотеатрдаги во-қеани айтиб берганда, улар-нинг ҳам таргузалари қўлтиқ-ларидан тушиб кетганимми. С. САЛОҲИДДИНОВ.

